# Тошкент ҳақиқати

№ 151 (10.400).

1992 йил 29 октябрь пайшанба

Баҳоси 2 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУН САЙИН ОШИРАЙЛИК!

• *Ҳозиргача вилоятимизда 200 минг тоннага яқин пахта хирмони уйилди.* • Пахтазорларда 2200 га яқин терим машинаси ишламоқда. Ҳар бир машинада ўртача 4 тоннадан пахта терилмоқда. • **Қўл теримида 105 минг киши қатнашмоқда. Ўртача унумдорлик 30 килограммни ташкил этмоқда.** • *Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Қуйичирчиқ районлари ҳамон йиғим-теримда пешқадамлик қилмоқдалар.* • Вилоят бошқа районлари пахтакорлари суръатни кун сайин оширишлари ва илғорларга етиб олишлари керак. • ***Кузнинг об-ҳаво қулайлиги бундан ортиқ бўлмайди. Ҳеч қандай важ-карсон, бўлмағур баҳоналарга ўрин йўқ.***

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ («ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ») АССОЦИАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Монтаж ва махсус қурилиш ташкилотлари ҳамда корхоналарини бозор муносабатларига ўтказишнинг ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларини яратиш, уларнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид тадбирларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги тугатилсин.

Ихтиёрий асосда Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари («Ўзмонтажмахсусқурилиш») ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, металл конструкциялар тайёрлаш заводлари ҳамда бошқа корхоналар меҳнат жамоаларининг таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари ассоциацияси:

Ижара, коллектив, акционерлик ташкилотларини ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларини, саноат ва транспорт корхоналарини ихтиёрий пайчилик асосида бирлаштирувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик ассоциациясидир;

Ўз фаолиятини муассислар йиғилиши тасдиқлаган ва вазирлар маҳкамаси билан келишилган ассоциация низомига мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида ташкил этади.

3. Қуйидагилар «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

Республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотига, махсус қурилиш-монтаж ишларига ва хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ассоциацияга кирувчи трестлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ягона илмий-техникавий сиёсат ўтказиш, асосан материалларнинг янги турларини, ускуналарни монтаж қилиш ва улардан фойдаланишнинг илғор системаларини, уй-жой, ижтимоий-маданий ва саноат иншоотларини қуриш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

Ассоциацияга кирувчи корхоналар ва ташкилотларга бозор муносабатларига ўтишда, уларни ижара, коллектив, акционерлик ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантиришда кўмаклашиш;

Ассоциацияга аъзо бўлган корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини белгилаш, биргаликдаги инвестиция фаолияти, меҳнат жамоаларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш соҳасида ягона стратегияни рўёбга чиқариш;

Маҳсулот етказиб берувчилар, жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятда маҳсулот етказиб берувчилар билан узоқ муддатли бевосита алоқалар ўрнатишда корхоналарга кўмаклашиш, уларга тижорат, маркетинг хизматлари ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари ассоциацияси фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1992 йил 27 октябрь.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Брайн Жеймс Прутел Фолл мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ГОЛЛАНДИЯЛИК МЕҲМОН ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Голландиянинг «Аес» фирмаси президенти К. Альберсни қабул қилди.

Самимий ўтган учрашув чоғида Ўзбекистонни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, картошка билан таъминлаш ва бунинг учун Голландиянинг картошка етиштириш борасидаги илғор технологиясини республикамиз шароитига мослаштириш ҳақида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ЎзА)

## РЕСПУБЛИКА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

26 октябрь куни Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чотур Туркия Республикаси эълон қилинган кунининг 69 йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА)

**ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 28 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН**

## МАЪЛУМОТ

**(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)**

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бўка | 2,61 | 70,27 | 2,82 | 69,62 |
| Бекобод | 2,40 | 67,47 | 2,03 | 54,31 |
| Оққўрғон | 3,47 | 65,41 | 3,52 | 57,72 |
| Қуйичирчиқ | 2,56 | 63,74 | 2,53 | 67,09 |
| Чиноз | 2,48 | 59,08 | 2,84 | 51,27 |
| Пискент | 2,00 | 55,88 | 1,30 | 30,61 |
| Янгийўл | 2,28 | 52,58 | 1,93 | 32,71 |
| Юқоричирчиқ | 3,39 | 51,19 | 3,78 | 57,42 |
| Ўртачирчиқ | 4,07 | 50,76 | 3,67 | 39,71 |
| Вилоят бўйича: | 2,87 | 61,22 | 2,73 | 53,32 |

Вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган Қуйичирчиқ районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзолари ва хўжалик бошқаруви раиси Жаҳонгир Муҳамедовни ёр-дўстлар, вилоятнинг турли районларидан келган вакиллар ана шундай самимий табриклашди.

(«Дўстлик» пахтакорларининг бу меҳнат ғалабасига бағишланган мақола газетанинг 2-бетида босилмоқда).

## ЯХШИ УРУҒ—ЯРИМ ҲОСИЛ

**ВИЛОЯТ ДЕҲҚОНЛАРИ УРУҒЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ РЕЖАСИНИ БАЖАРДИЛАР**

УРУҒНИ танлаб, саралаб, ер шароитини ҳисобга олиб эккан деҳқон сира ютқазмайди. Бу борада вилоятимиз пахта далаларида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Бу йил қатор хўжаликларда уруғлик пахтанинг синовдан ўтган навлари экилиб, юқори ҳосил етиштирилди, теришга эрта киришилди. Бу иш бир хўжаликда қатъий режа ва тартиб асосида ташкил этилди. Ҳақ тўлаш ҳам рағбатлантирилган ҳолда йўлга қўйилди. Кўрилган тадбирлар яхши самара берди. Ҳозиргача вилоятимизда 22 минг тонна уруғлик пахта тайёрланиб, режа муваффақиятли бажарилди. Жумладан, «Далварзин» давлат хўжалигида «Қиргиз-3» навли пахта экилиб, ундан 465 тонна ўрнига 1000 тонна уруғлик ҳосил олинди. Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ҳам бу соҳада юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар С-65—24 навли уруғдан экиб, 1700 тоннадан ортиқ уруғлик пахта олдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ҳақиқат», Пискент районидаги бир қатор хўжаликлар ҳам уруғлик пахтани ўз вақтида йиғиб териб олиб, режаларини анча ошириб уддаладилар.

Р. НОСИРОВ.



## ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33-40-48
33-48-08
33-50-18
33-05-22

## ТЕРИМДА КИМ ОЛДИНДА?

**ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТГА БИР НАЗАР**

ОДАТДА жангу-жадал билан фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётган пахтакорларни кўпинча улоқ чопувчи чавандозларга қиёс қиладилар. Бу бежиз эмас. Агар чавандоз отини пойгага яхшилаб тайёрлаган, тўйдириб боқиб, «совутган», ўзи эпчил, чаққон, чапдаст, вазиятни тўғри баҳолай оладиган бўлса, у, албатта, кўпчилик ўртасидан улоқни олиб чиқиб кетиб, маррага дадил етиб боради. Хўжаликларда пахта тайёрлашнинг борини ҳақидаги маълумотга назар ташлар эканмиз, беихтиёр, ана шу фикрлар хаёлдан ўтади.

Хабарингиз бор, Қуйичирчиқ районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб режани бажарди. Хўжалик фаоллари, деҳқонлари тадбиркорлигига қойилмиз!

Дастлабки кунларданоқ йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, айни кунларда вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқорилаб кетган хўжаликлар сонининг кўплиги, улар уяётган хирмон салмоғи кишини хурсанд қилади. Бекободдаги «Фарҳод» жамоа хўжалиги азаматлари чўлда фарҳодчасига ишлашни амалда кўрсатмоқдалар. Бу хўжалик режаси 87 фоиздан ошиб кетди. Бўкадаги «Ачамайли» хўжалигининг режага нисбатан топширган пахтаси 85,62 дан ортди. Бу илғор хўжалик билан Азаматов номли колхоз деҳқонлари изма-из бормоқдалар. Шу райондаги Тимирязев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йилги қийин шароитда ҳам ҳосилни фақат ўз кучимиз билан териб оламиз, деган ташаббус билан чиққан эдилар. Сўзлари билан ишлари бир бўлиб турипти. Бу хўжалик режаси ҳам 80 дан ошди. Бекобод районидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги юки залварли бўлишига қарамасдан, уни елкасида даст кўтариб, маррага дадил олиб борипти.

Қуйичирчиқ районидаги «Ўжакент», Бекобод районидаги «Далварзин», Ойбек номли, «Бекобод» хўжаликлари, Чиноз районидаги Амир Темур номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва, Оққўрғон районидаги Акмал Икромов номли, Янгийўл районидаги Мирзабобоев номли, Пискент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ҳам йиғим-теримда пешқадамлик қиляптилар.

Эндиликда ютуқни кундалик ўсиш суръати ҳал этади. Суръатнинг пасаймаслиги эса ишни ташкил қилишга, одамларни руҳлантиришга, рағбатлантиришга боғлиқдир. Оққўрғондаги Акмал Икромов номли колхозда кундалик ўсиш ғоят юқори бўляпти. Агар улар «еттинн» лоақал тўрт кун ушлаб турсалар режани ошириб бажаришлари турган гап!

Хуллас, етмишдан, саксондан ошган, тўқсонга яқинлашган бу хўжаликларнинг тез кун ичида маррага етишларига ишончимиз комил.

Лекин, вилоятнинг ўртача умумий кўрсаткичидан орқада қолаётган, ҳатто, йиғирма билан ўттизнинг, ўттиз билан қирқнинг орасида бораётган хўжаликларнинг анчагина эканлиги кишини ташвишга солади. Улар, айтиш мумкинки, ўз районларини, қолаверса, вилоятни орқага тортмоқдалар. Тўғри, айримларида кундалик ўсиш юқори, ҳатто, беш-олти фоизни ташкил этади. Лекин, жуда кўпчилик хўжаликларда мавсум яримлашиб қолган бўлишига қарамасдан, кунлик кўрсаткич кўнгилдагидек эмас.

Масалан, Чиноз районидаги «Қизил октябрь» колхозида эндигина режа 41,02 фоиз бажарилди. Кунлик ўсиш бор-йўғи 1,68 фоиз! Бўка районидаги «Қашқадарё» жамоа хўжалиги режани аранг 47 га етказган бўлишига қарамай, кунига зўрға икки фоизга яқин пахта топширяпти. Бундай гапларни Пискент районидаги «Пискент» давлат хўжалиги, «Дўстлик» хўжалиги тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Шу райондаги Қодиров номли колхозда ва Янгийўл районидаги А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида йиғим-теримни ташкил этиш кўнгилдагидек эмас.

Қодиров номли колхозда ҳар куни икки фоизга етказиб ҳам пахта тайёрланмаяпти. Йиллик режа эса 51,66 фоиз адо этилди, холос. А. Ортиқов номли хўжалик ҳали «қирққа» етмабди. Кунлик ўсиши эса икки фоиздан сал ошиқроқ. Ўйлаймизки, хўжалик деҳқонлари йиғим-терим ишларини жонлантириш учун ўзларида куч, ғайрат, имконият топа оладилар.

Ҳозирча ҳаво туриб беряпти, деҳқонларга ён босяпти. Лекин, бундан буён ҳаво шундай бўлиб туради, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар дақиқаси олтинга тенг дамлардан унумли фойдаланиб, бор имкониятларни тезроқ ишга солиб, йиғим-теримни жадаллаштириш, вилоят хирмонининг тезроқ бунёд этилишига ҳар ким, ҳар бир қишлоқ аҳли ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши керак!

## БЎСТОНЛИҚЛИКЛАРНИНГ ЁРДАМИ КАТТА

«Тезкор пахта штаби» қўнғироғи жиринглади:

— Мен Пискент районидаги «Пискент» давлат хўжалигининг 6-бўлимида жойлашган Бўстонлиқ район пахта штаби бошлиғи Ўктам Каримберднев бўламан. Бўстонлиқлик ҳашарчиларнинг ёрдами ҳақида хабар бермоқчиман. 1500 кишидан иборат ҳашарчилар гуруҳимиз ҳозир «Туркистон» ва «Пискент-1» хўжаликларида пахта термоқдалар. Уларнинг шу кунгача уйган хирмони 105 тоннадан ошиб кетди.

— Ҳашарчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳар бир бўлимда штаб вакили бор. Кунлик якун штабда муҳокама этиляпти. Илғор теримчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бу борада хўжаликлар бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Кунига икки маҳал несиқ овқат ташкил этилди. Уларнинг маданий дам олишлари, кундалик воқеалардан хабардор бўлиб туриши учун радио, телевизор билан таъминландик. Район ҳокимлиги ташаббуси билан маданият муассасалари хизматларини ҳам бевосита далага кўчиришга киришилди.

— Ҳақ тўлаш қандай?

— Хўжаликлар ҳозирча терилган ҳар бир килограмм учун 5 сўмдан пул беришяпти. Бу хашарчиларни янада унумли меҳнат қилишга ундамоқда.

— Илғорлар ҳақида...

— Тушунарли, «Водоканал» ташкилоти ходимларининг ўртача кунлик терган пахталари 40 килограммни ташкил этяпти. Бундан ташқари консерва заводи, ПМК-4, МКД-2, мармар заводи ишчилари ҳам яхши меҳнат қилишмоқда.

Х. ШАФОАТОВ.

БЎКА районидаги «Бўка» хўжалиги деҳқонлари бу йил 1100 гектар майдонда етиштирилган пахтанинг ҳар гектаридан кам деганда 23 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Ҳосил асосан машиналарда териб олинмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) механик-ҳайдовчи Тўйчи Дўстбоев, бўлим бошлиғи Сарсонбой Дусенбоев, механик-ҳайдовчи Жаббор Пейсенов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Эрмат Беймуродовлар машина терими учун ажратилган далаларда.

Суратказ А. Мальцев.

# ШАРОФ РАШИДОВГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидов таваллуд топган кунинг 75 йиллигини нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтимизнинг «Правда» газетаси кўчаси ва Ш. Рашидов проспекти чорраҳасида унга ҳайкал қўйилмоқда.

— Ҳайкал Шароф Рашидов биринчи марта дафн этилган жойда қад кўтармоқда,— деди Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамаси меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармасининг бошлиғи М. Расулов.— Обидани тиклаш ва теварак атрофни ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ҳайкалтарош Яков Шапиро Шароф Рашидовни китобга ниқоҳ ташлаб турган нуроний инсон қиёфасида тасвирлаган. Украина қизғиш мармаридан тикланаётган шоҳсупанинг баландлиги 2 метрдан ортади. Унинг устида ҳайкал салобат билан қад кўтаради.

(ЎзА мухбири).

● *Вилоят ҳокимлигида*

# ЯНГИ НОМЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

Маълумки, республикамиз истиқлолга юз тутгандан кейин Давлат тили ҳақидаги Қонун ижросини, шунингдек, Атамалар комиссияси фаолиятини кучайтиришга эътибор берилмоқда. Буни бир қанча районларда хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналарга янгича, ўзбекона номлар берилаётганида яққол кўриш мумкин. Яқинда Тошкент вилояти ҳокими ана шундай ҳайрли ишларнинг анчагинасини маъқул топиб Бўка, Зангиота, Тошкент, Бекобод ва бошқа районлар ҳокимларининг шу борадаги илтимосларини қондирди.

Хусусан, эндиликда Бўка районидаги Мичурин номли жамоа хўжалиги — «Туркистон», «Кремль» давлат хўжалиги — «Бўстон» деб атала бошлади. «Кўкорол» давлат хўжалигининг бешинчи, олтинчи бўлимлари ажратилиб, унинг таркибида «Бахмал» хўжалиги ташкил этилди. Энди бундан буён «Партия XX съезди» деб ном олган жамоа хўжалиги «Мустақил Ўзбекистон» номи билан юритилади. Шунингдек, бўкаликлар Ильич номли жамоа хўжалигини — «Дўстлик», «Ленин йўли» жамоа хўжалигини — Барот Умаров номли, иккига ажралган Карл Маркс номли жамоа хўжалигини эса Турғун Ражабов номли ҳамда «Қашқадарё» жамоа хўжаликлари деб атайдиган бўлдилар.

Вилоят ҳокимининг фармойишида Бекобод райони бўйича ҳам бир қатор жамоа хўжаликлари номи ўзгарганлиги қайд этилади. Хусусан, Ленин номли жамоа хўжалигини — «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги, Калинин номли қишлоқ шўросини эса «Жумабозор» қишлоқ шўроси деб ўзгартириш тўғрисидаги қарор тасдиқланди.

Тошкент райони ҳокимлиги ҳам вилоят ҳокимига мурожаат қилиб, «Киров қишлоқ шўроси»ни «Кўксарой» номи билан аташ тўғрисида ўз илтимосини баён этган эди. Бу илтимос қондирилди. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги номи «Дўстлик», А. Ортиқов номли 4-санаторий мактаб-интернати Қосим Каримов номли мактаб-интернат деб, аташ тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Энди Паркентдаги «Прогресс» давлат хўжалиги — «Қорақалпоқ», «Ленинобод» давлат хўжалиги — «Заркент», Энгельс номли давлат хўжалиги — «Хисарак» давлат хўжалиги деб аталади.

Пискент районида ҳам бир қатор хўжаликлар номи ўзгарди. Чунончи Калинин номли жамоа хўжалиги «Қирқизобод», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалиги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалиги деб юритиладиган бўлди. Зангиота районидаги 1-иссиқхона комбинатини «Қўйлиқ» давлат хўжалиги деб аташ тўғрисидаги қарор ҳам тасдиғини топди. Қибрай райони ҳокимининг Орконикидзе номли бўрдоқичилик хўжалигини «Тузель» номи билан аташ тўғрисидаги илтимоси ҳам қондирилди. Бундан буён Ўрта Осиё темир йўлининг юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш Тошкент бўлими темир йўл разъездининг 133 километридаги станцияга «Жалоир» номи берилди.

Бўка райони ҳокимининг «Киров» қишлоқ шўросини «Турон», Ленин қишлоқ шўросини «Намуна» номи билан ўзгартириш тўғрисидаги илтимоси ҳам қаноатлантирилди. Шунингдек, китобхонларга эндиликда «Октябрь» номли вилоят кутубхонаси «Турон» деб юритилишини ҳам айтиб қўймоқчимиз.

● *92-ЙИЛ ҲОСИЛИ*

# ЯНА 500 ТОННА УЧУН

**ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ РЕЖАСИНИ БАЖАРГАН ҚУЙИЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ДУСТЛИК» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ АНИҚ МЎЛЖАЛИ АНА ШУ.**

АСЛИДА деҳқон учун осон келган йилнинг ўзи йўқ, аммо бу йилгиси ҳаддан ошиб тушди. Баҳорнинг серёғин бўлиши, ёзда ҳароратнинг паст келиши деҳқончиликка ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу, айниқса, пахтачиликда яққол сезилди. Иссиқсевар бу ўсимликни етиштиришнинг ўзи бўлмади. Пахта ҳар йилгидан кеч етилди. Ҳозир жуда кўпчилик буни бот-бот тилга олянти. Баҳона ахтарувчилар ҳам топилмоқда. Лекин ҳақиқий ишбилармон, тадбиркор деҳқонлар ҳар қандай шароитда ҳам пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини исботлашмоқда.

Қуйичирчиқ районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ана шундай кишилар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам улар Тошкент вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажариб қўйишди. Биз куни кеча ана шу хўжаликда бўлдик. Раҳбарлар, пахтакорлар билан суҳбатлашдик. Бу йилги эришилган ғалабанинг сирсиноатларини билишга қизиқдик. Тўғри-да, ҳамма баҳона излашга ҳаракат қилаётган бир пайтда 25 иш кунида салкам 2500 тонна (тағин юқори сифатли) пахта йиғиштириб олишнинг ўзи бўладими?!

Хўжалик бошқаруви раиси Жаҳонгир Муҳамедов бизнинг бирин-кетин берган саволларимизга қисқа ва лўнда қилиб: «одамлар астойдил, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишди. Бу ана шунинг маҳсули», деб жавоб берди. Аслида раиснинг бу икки оғиз гапида чуқур маъно бор. Агар ана шу сўзларнинг мағзини чақсангиз бу ғалаба ҳақиқатан ҳам жуда катта ва машаққатли меҳнат эвазига келганлигининг гувоҳи бўласиз.

Биринчидан, хўжаликда кеч кузданоқ мўл ҳосилга пухта замин яратишга ҳаракат қилинди. Ер сифатли шудгорланди. Эрта баҳорда маромига келтирилган 900 гектар майдонга пахтанинг С—65—24 нави экилди. Одатда пахтачиликда рўзани ўт босиб деҳқонга кўп панд беради. Шунинг учун хўжалик деҳқонлари биринчи навбатда экинни ўт бостирмасликнинг ҳаракатини қилишди. Бунда каторан гербициди қўл келди. Ерда намгарчилик ўта юқори бўлган бу йилги шароитда ниҳолларга пешма-пеш ишлов берилди. Культиваторнинг ишчи органлари сифатли созланди. Ерни бот-бот қиздиришди. Бу тадбирларнинг барчаси экинни турли касалликлардан асраб, ривожини жадаллаштириш имконини берди. Яганани ҳам қисқа фурсатда сифатли ўтказишди. Ҳар гектар ерда ўртача 90 минг тупдан кўчат сақлаб қолинди. Сақлаб қолиндигина эмас, уни тўлиқ ҳосил тукқунгача бақувват қилиб парваришлашди. Бошқа агротехника тадбирларини ҳам шу тариқа уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Ана шу қилинган меҳнатларнинг барчаси бугун ўз самарасини берди. Хўжаликда ҳам эртаги, ҳам бўлиқ, ҳам сифатли пахта етилди.

— Халқимизда қарс икки қўлдан, дейишади,— изоҳ беради раис Жаҳонгир Муҳамедов.— Демоқчиманки, одамларга шароит яратсанг, улар шунга яраша ўз меҳнатларини аямайдилар. Биз пахта йиғим-теримини бошлашдан олдин барча механизаторлар, бригада бошлиқлари ва фаолларимизни йиғдик. Улар билан бир пиёла чой устида бафуржа суҳбатлашдик. Жамоа хўжалиги бошқаруви уларнинг рўзғорини бут қилиб берадиган, кам-кўстидан хабар олиб турадиган бўлди. Шундай қилиб, биз мавсум бошидаёқ ҳар бир хонадонга етарли ун, шакар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етказиб бердик. Бу ғамхўрликни фаолларимиз ўз меҳнатлари билан оқлашди. Дастлабки теримнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан ўртача 22 центнердан ҳосил териб олдик. Унинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди. Шу тариқа суръатни пасайтирмай гектаридан салкам 28 центнердан хом ашё йиғиштириб олдик ва режани 25 кунда бажардик.

Дарҳақиқат, хўжаликнинг Адамбек Букинбоев, Давлат Усмонов, Муслим Раимбеков, Жалғас Омонбоев сингари тажрибали деҳқонлар бошчилик қилаётган бригадалари жамоалари кўпчиликни лол қолдиришди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу бригадаларда ҳосилдорлик 30 центнердан ошиб кетди.

Суҳбат давомида муваффақиятнинг яна бир омили ҳар қандай шароитда ҳам техникадан оқилона фойдаланишга боғлиқ эканлигига амин бўлдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу йилги шароитда ҳам умумий ҳосилнинг 96 фоизини машиналар ёрдамида териб олиш жуда катта гап-да! Сўзсиз бунда Турдихон Мадалиев, Виталий Хван, Муҳиддин Раимбеков, Султон Умрқулов, Қаҳрамон Жустаев, Ғани Исломов сингари механик-ҳайдовчилар хирмонга қут-барака киритиб, ўрнак бўлишди. Уларнинг ҳар бири 12—14 тоннага етказиб пахта теришди. Бу азаматларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 120—150 тоннадан ошиб кетди.

Хўжаликда машиналардан самарали фойдаланилганлигининг яна бир ибратли томони борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишга тўғри келади. Гап шундаки, хўжалик бошқаруви дастлабки теримнинг ўзидаёқ машинада терилган ҳар тонна пахтага 100 сўмдан ҳақ тўларди. Иккинчи теримда бу рақам 500 сўмга, учинчи теримда эса минг сўмга кўтарилди. Албатта, бундай ҳақ тўланиши механизаторларни руҳлантириб юборди. Бунинг устига сифатли пахта терган механик-ҳайдовчи қўшимча рағбатлантирилди. Кўриб турибсизки, бу усул ўзини тўлиқ оқлади.

Хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг ўзига хос усули танланган. Жами экиладиган майдон ҳар бир аъзога тақсимланганда тўрт гектардан тўғри келар экан. Ана шу тўрт гектар ердаги ғўзанинг яганасидан тортиб чеканкасигача бир киши амалга оширди. Балки эртаги ҳосил етилтиришда бунинг аҳамияти ҳам катта бўлгандир. Нима бўлганда ҳам бу хўжаликда пахтачиликдан бошлаб бошқа тармоқларда ҳам ишнинг ойдин йўлга чиқиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Буни қуйидаги рақамлар исботлаб турипти. 222 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 195 центнердан, жами 4328 тонна канап олиниб, йиллик режа 121,9 фоизга бажарилди. Шоли сотиш топшириғи 117,6 фоизга ўринланди. Пахтакорлар билан биргаликда чорвадорлар ҳам бу ғалабани муносиб кутиб олдилар. Гўшт, сут сотиш режалари ортиғи билан адо этилди.

Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Ҳозирги шароит узоқни кўзлаб, ишни пухта ташкил этмаган деҳқоннинг инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмаслигини яққол исботлаб турипти. Шунинг учун ҳам биз хўжаликда бу борада кўрилаётган иқтисодий тадбирлар билан ҳам қизиқдик.

— Бу энг муҳим масала,— дейди бош иқтисодчи Пейсенбой Имомқулов.— Биринчидан, бозор иқтисодиёти шароитида имкони борича ҳаражатларни камайтириб, даромадни ошириш йўлларини излаш керак. Иккинчидан, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш асосий вазифа бўлмоғи лозим. Биз ўтган тўққиз ойлик якунни сарҳисоб қилдик. Ҳар бир жамоа аъзосининг ўртача иш ҳақи салкам 2 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ҳозирги шароитда ёмон бўлмаса-да, юқори рақам эмас. Аммо йил охирига бориб уларнинг даромади камида икки баравар ошади. Чунки пахтачиликнинг ўзидан 80 миллион сўм, бошқа тармоқлардан 17 миллион 745 минг сўм даромад қилишни режалаб турибмиз. Демак, хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, умуман фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш учун етарли маблағ топилади.

Дарвоқе, хўжаликда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўзида халққа 300 тонна шоли бепул тарқатилади. Ўзларида етиштирилган буғдой ҳисобига олинган саккиз тонна ун ҳам арзон нархда — килограмми тўрт сўмдан аҳолига етказиб берилади. Бундан ташқари гўшт, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар ҳам эҳтиёжга яраша ажратилмоқда. Сўнгги йилларда хўжаликда фермер хўжаликлари сони кенгайиб бораяпти. Уларга колхоз томонидан етарли ёрдам кўрсатилмоқда. Ем-хашак ажратилмоқда. Ҳозирги кунда 4 та фермер хўжалигида 15 бошдан сигир парвариш қилинмоқда.

Бу йил қишлоқларни газлаштириш ҳам бошлаб юборилади. Бунинг учун барча лойиҳа-ҳисоб-китоб ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди.

— Биз пахтачиликдан бундай юқори даромад олаётган эканмиз, бунда республика ҳукумати, шахсан Президентимизнинг ҳиссаси катта,— дейди Жаҳонгир Муҳамедов.— Яқиндагина пахта харид нархининг яна оширилиши тўғрисидаги Президент фармони ҳамда режадаги ҳосилнинг 15 фоизи, ортиқчасининг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётганлиги, билсангиз, жуда катта имкониятдир. Биз бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш ниятидамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Далаларимизда ҳосил бор. Яна камида 500 тонна пахта йиғиштириб оламиз. Бу қўшимча пахтадан олинган толанинг 50 фоизидан келадиган даромадни ҳам халқимизга тарқатамиз. Бундан ташқари ана шу 500 тонна пахтанинг чигитини ёғ заводига шартнома асосида топшириб, ёғини халқимизга арзон нархларда сотмоқчимиз.

Ҳа, хўжаликда пахта йиғим-терими тўла қувват билан давом этмоқда. Режани пухта олган хўжалик аъзолари айни кунларда ҳам 2—2,5 фоиз миқдорида хом ашё топширишмоқда. Бир қатор бригадаларда қўл терими ҳам авж олдириб юборилди. Теримчиларга терилган ҳар килограмм пахта учун 5 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

Шу куни биз «Дўстлик» жамоа хўжалиги фаолларининг жуда кўп эътиборга лойиқ режалари, амалга оширишни мўлжаллаб қўйган ишлари билан ҳам танишдик. Улар ҳақида яна кўп гапириш, ёзиш мумкин. Бу тадбирларнинг барчасидан кутилган пировард мақсад эса халқ фаровонлигини ошириш, хўжалик иқтисодиётини янада мустаҳкамлашдир.

Шу куни хўжалик аъзоларини дастлабки ғалаба билан табриклаш учун Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев, қўшни район ва хўжаликларнинг раҳбарлари ташриф буюришди. Улар «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзоларига янада катта муваффақиятлар тилашди. Биз ҳам ана шу тилакларга қўшилган ҳолда вилоятда карвонбошилик қилаётган бу жамоага соғлиқ-саломатлик, баракали хирмон тилаймиз.

**Н. НАСИМОВ,**
**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

**Суратларда: (юқорида) пешқадам бригада бошлиқлари, етакчи мутахассислар ва механизаторларнинг бир гуруҳи; хўжалик бош агрономи Есенбек Бахтибоев ва бош мухандис Хонусбой Назиров (чапдаги сурат); хўжаликнинг пешқадам механизаторларидан Одил Ўрозов.**

**Суратқаш В. ХАРИТОНОВ.**

# МЕҲНАТ ҲАҚИ ДАЛАНИНГ ЎЗИДА БЕРИЛМОҚДА

БИР ВАҚТЛАРИ манфаатдорликда гап кўп, деб такрор-такрор айтардигу, лекин камдан-кам ҳолларда унга амал қилинарди. Бунинг оқибатида кўп имкониятлар бой бериларди. Мустақиллик шарофати туфайли хўжаликларга катта эрк ва ҳуқуқ берилди. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жорий этилди. Оқибатда манфаатдорлик амалдаги тадбирга айланиб қолди. Бунинг натижасини мана бу йилги мавсумда ҳам кўриб турибмиз. Қўлда терилган ва машинада терилган пахтага юқори ҳақ тўланаётганлиги учун терим суръати кўтарилиб хом ашё сифати ҳам яхшиланадиган бўлиб қолди. Буни Бекобод райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Мутахассислар, фаолларнинг таклифи билан манфаатдорликнинг янги қирралари очилмоқда. Бу районда кимки бир тонна пахта териб берса, унга 100 килограмм шоли арзон нархда берилади, деб айтилди. Бу ҳаммага маъқул бўлди. Далада ишловчилар сони кўпая бошлади.

Куни кеча яна бир қатъий режа амалга оширила бошланди. Бундан буён терилган пахтага ҳар беш кунлиқда эмас, кунига ҳисоб-китоб қилиниб ҳақ тўланади. Пул теримчиларга, механизаторларга ҳар куни даланинг ўзида тарқатилади, деб айтилди. Бу омил ҳам янги имкониятларни очиб берди. Ҳозирги кунда районда қўлда терилган бир килограмм пахтага 4 сўмдан, машинада терилган бир тонна пахтага эса 200 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Режа тўлгунча бу тартибга қатъий амал қилинади. Кейин уёғини яна ўйлаб кўрадилар.

Манфаатдорлик самараси яққол кўзга ташлана бошлади. Жамоалар бирин-кетин маррага етиб келмоқдалар. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Комилжон Боймуродов бошлиқ бригада хўжаликда биринчи бўлиб маррага етди.

Айни кунларда 35 центнер учун кураш кетяпти.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалигидан Абдукомил Жўраев бригадаси ҳам маррага етди. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ошириб ҳосил топширди. Режасини анча ошириб бажарди. Бу бригада ҳам 35 центнерни мўлжалламоқда.

**Абдуҳамид ҚОДИРОВ,**
**район пахта штаби аъзоси.**

# САБЗАВОТ, КАРТОШКА КЎПАЯДИМИ?

Шу йилнинг 26 октябригача 43,5 минг тонна картошка харид қилинди. Бу умумий харид ҳажмига нисбатан 56,5 фоизни ташкил этади. Бир ҳафта давомида ўсиш 1806 тонна — 2,3 фоиз бўлди. Паркент, Юқоричирчиқ, Қибрай, Оҳангарон районлари хўжаликлари умумий харид ҳажмига нисбатан режани бажаришда орқада қолмоқдалар. Умумий харид қилинган 11,3 минг тонна ҳисобидан бозорда 26 фоиз картошка сотилди.

451,5 минг тонна сабзавот харид қилинди. Бу умумий харид ҳажмига нисбатан 81,3 фоизни ташкил этади. Ўтган ҳафта давомида умумий ҳажмга нисбатан 4,4 фоиз ёки 24,9 минг тонна сабзавот харид қилинди.

Қуйичирчиқ, Паркент, районлари хўжаликлари умумий харид қилиш ҳажмига нисбатан режани бажаришда орқада қолмоқдалар. Ўтган йилнинг шу вақтига қараганда сабзавот харид қилиш 5,1 фоизга камайиб кетди. Умумий харид қилинган сабзавотдан 36,1 минг тонна ёки 8 фоизи бозорда сотилди.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ ХАРИДИ ҲАҚИДА 1992 ЙИЛ 26 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН**

# МАЪЛУМОТ

| Районлар | Картошка — тонна: Харид қилинди | фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан | 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида | Сабзавот — тонна: Харид қилинди | фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан | 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 2420 | 52,6 | 90,7 | 13459 | 84,1 | 102,8 |
| Оҳангарон | 3512 | 45,6 | 1,6 м | 45703 | 87,8 | 126,1 |
| Бекобод | 2203 | 73,4 | 1,6 м | 14474 | 67,3 | 110,0 |
| Бўстонлиқ | 1343 | 53,7 | 75,7 | 42130 | 69,6 | 72,3 |
| Бўка | 3598 | 65,4 | 141,2 | 23922 | 79,7 | 114,5 |
| Қуйичирчиқ | 1818 | 51,9 | 122,0 | 9247 | 46,2 | 58,3 |
| Зангиота | 2594 | 64,8 | 70,4 | 49673 | 91,9 | 96,6 |
| Юқоричирчиқ | 2555 | 36,5 | 89,3 | 29093 | 83,1 | 94,7 |
| Қибрай | 1823 | 40,5 | 97,4 | 46515 | 80,1 | 93,6 |
| Паркент | 1115 | 18,5 | 81,9 | 10162 | 59,7 | 76,2 |
| Пискент | 1875 | 50,6 | 85,7 | 24294 | 93,4 | 100,1 |
| Ўртачирчиқ | 2087 | 52,1 | 115,2 | 34076 | 102,2 | 103,2 |
| Тошкент | 9133 | 101,4 | 122,7 | 59031 | 89,4 | 91,7 |
| Чиноз | 3131 | 78,2 | 90,8 | 14943 | 64,9 | 84,0 |
| Янгийўл | 4347 | 54,3 | 84,7 | 34806 | 82,8 | 102,9 |
| Вилоят бўйича | 43554 | 56,5 | 104,3 | 451528 | 81,3 | 94,9 |

# ЗАНГИОТАЛИКЛАР ОҚҚЎРҒОНДА

БУ ЙИЛГИ иқтисодий ва об-ҳаво қийинчиликлари шароитига қарамай, вилоятимиз далаларида мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Бироқ уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб териб олиш пахтакор учун осон кўчаётгани йўқ. Чунки, ҳосилнинг етилиши аввалги йилларга нисбатан анча кечикди. Табиийки бу ҳолат деҳқоннинг иш унумига таъсир этмасдан қолмайди. Шунга қарамай, пахтакорлар тиришқоқлик билан меҳнат қилиб, кунлик суръатларни ошириб бормоқдалар.

Йиғим-терим долзарб паллага кирган бир пайтда пахтакорларга мадад бериш, уларга кўмаклашишдан ҳам савобли иш борми? Ана шуни назарда тутган зангиоталик меҳнаткашлар Оққўрғон райони пахтакорларига ёрдамга отландилар. Навоий номли жамоа хўжалиги идорасида пахта штаби кечаю кундуз иш юритмоқда.

— Райондаги давлат, жамоа хўжаликлари, корхона ва бошқа муассасалардан 1500 нафар ҳашарчи йиғим-теримда иштирок этмоқда,— дейди штаб бошлиғи, район ҳокимининг муовини Абдумажид Абдураҳмонов.— Улар «Ўзбекистон», «Ҳонқа», «Султонобод», «Ойтамғали» ва Навоий жамоа хўжаликлари далаларида пахта термоқдалар. Бу ерга келган заҳотиёқ ҳар бир қўёшли кундан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кўриб чиқдик. Жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ҳашарчиларга икки маҳал иссиқ овқат, эрталабки нонуштага сарёғ, шакар, мураббо ва бошқа ширинликлар берилаяпти. Булардан ташқари оққўрғонликлар ҳам иш унумини оширишга кўмаклашмоқдалар. Ҳар бир килограмм терилган пахта учун 5 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

Ҳашарчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилган. Оққўрғон районининг санъаткорлари меҳнаткашлар ҳузурида бўлишиб маданий хизмат кўрсатмоқда. Албатта, булар ўз самарасини беряпти. Ҳашарчилар кунлик нормаларини ошиғи билан бажаришга ҳаракат қилишяпти. Шу кунга қадар уларнинг фидокорона қилган меҳнатлари туфайли 117 тоннадан кўпроқ пахта йиғиб-териб олинди.

Шунча ҳосилнинг бунёд этилишида «Зангиота» давлат хўжалиги, «Ўзбекистон», «Тўқимачи», «Мустақиллик» жамоа хўжаликларидан келган ҳашарчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Район ҳокимлиги йиғим-теримни янада тезлаштириш мақсадида ҳашарчиларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ҳам кўрмоқда. Ҳар 5 кунлик иш якуни кўриб чиқилиб, илғор теримчиларга мукофотлар бериш жорий этилди. Шунингдек, районимиз маданият муассасалари хизматини ҳам бевосита далаларга кўчиришга қарор қилдик.

**Х. ТУРАЕВ.**

# ЭЪТИҚОД

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ САҲИФАСИ

- ЛОЙИҲА ҲАҚИДА ФИКРЛАР
- ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ
- МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ
- САМАРАЛИ ЯКУНЛАР

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС ҲУЖЖАТ

**Вилоятимиз меҳнаткашлари матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини мамнуният билан кутиб олдилар. Айни пайтда Ўзбекистон ХДП вилоят партия ташкилотларида ушбу ҳужжатнинг мазмунини кенг аҳоли ўртасида тушунтириш ва мазкур лойиҳанинг матнини муҳокама қилиб, уни янада такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти партия ташкилотлари фаолларининг Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар кенгаши ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларининг котиблари ҳамда йирик партия ташкилотларининг котиблари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов кириш сўзи билан очди. Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов янги Конституция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятлари, ички тузилиш ҳамда уни аҳолига тушунтириш, муҳокама этишда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида маъруза қилди.

Семинар қатнашчилари янги лойиҳанинг амалий қимматини таъкидлаганлари ҳолда унинг мазмунини янада такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳаза, таклифларини билдирдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашди.

* * *

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси янги Конституция лойиҳасини меҳнаткашларга тушунтириш ва уни муҳокама қилишга бағишланган партия ташкилотлари фаолларининг кўчма семинар-кенгашлари бўлиб ўтмоқда. Шундай йиғилишлар Красногорск ҳамда Янгиобод шаҳарларида ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходимлари, ҳуқуқшунослик фанлари докторлари — И. Ж. Жалилов, Ғ. А. Аҳмедовлар меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, янги Конституция лойиҳасининг амалий аҳамияти ҳақида сўз юритдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг котиби Н. И. Жданов қатнашди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Чиноз район кенгашида фаоллар йиғилиши ўтказилди. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири М. Б. Усмонов чинозлик меҳнаткашларга янги Конституция лойиҳасининг амалий қиммати ҳақида сўз юритиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган партия фаолларининг йиғилишлари Бекобод, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Тошкент районлари кенгашларида ҳам ўтказилди.

## ЁЗУВЧИЛАР ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши пахта йиғим-терими оммавий тус олган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашлари билан ёзувчилар, олимлар ва бошқа ижод аҳлларининг учрашувларини ташкил этиши яхши самара бермоқда. Мулоқотларда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи хусусида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилаётир.**

Аввалги сафар севимли шоирларимиз — Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфлар Янгийўл райони деҳқонлари меҳмони бўлишган эди. Бу галги Ўртачирчиқ районидаги Бектемир пахта тозалаш заводидаги учрашувга таниқли олим, ижодкорлардан Иззат Султон ва Ҳуршид Дўстмуҳаммад ташриф буюришди.

Учрашувни олиб борган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин партия сафлари анча жипслашгани, қадди ва мавқеини тиклаб бораётгани, яхши тажрибалар умумлаштирилиб, қўпчилик мулкига айлантирилаётганини таъкидлаб ўтди. Турли миллат ва элатлар ўртасида қарор топган дўстлик, аҳиллик, ҳамфикрлик вилоятда тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлаб туриш кафолатини бермоқда. И. А. Каримов рисоласида ҳам бу жиҳатларга алоҳида урғу берилган, Муаллиф республикамиз ички ва ташқи сиёсат йўлларини кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда тутадиган ўрни тўғрисида кенг фикр юритади.

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунё минбарига чиқди,— деди Иззат Султон,— Кремль яккаҳокимлигига чек қўйилди. Эндиликда зиёлилар ҳам эркин, ошкора сўзини айта оладиган пайт келди. Ҳозирги иқтисодий оғир шароит ҳамма мидан чидам ва саботни, ақл-идрокни талаб қилмоқда. Дорбоз ўз мувозанатини лангар билан таъминлаб турганидек, республикадаги барқарор аҳволни унинг халқ дардини, нафасини яхши биладиган раҳбарлари таъминлашмоқда. Зотан, рисола ҳам давлат сиёсати ва иқтисодиётини чуқур тушунадиган Президентимиз И. Каримов қаламига мансублиги алоҳида таъкидга лойиқ. Китобча ўз моҳият-эътибори билан катта маънавий озуқа манбаидир.

Учрашувда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ноиби Миразиз Рўзматов сўз олиб, мустақиллик шарофати билан жамоа хўжалигида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гапириб берди.

Тадбир сўнгида район партия кенгаши биринчи котиби И. Неъматиллаев корхонанинг бир гуруҳ ишчиларига янги партия ҳужжатларини топширди.

* **Ўзбекистон халқ демократик партияси Ўртачирчиқ район ташкилотида ҳар гал партия билетларини топшириш юксак савияда ўтказилмоқда. Суратда: ХДП район кенгашининг биринчи котиби Исматилла Неъматиллаев район саломатлик марказининг бош шифокори Халима Рисбоевага партия билетини топширмоқда.** *

## МУҲОКАМА ҚИЗҒИН ЎТДИ

Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасининг якунларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилот котиблари, шаҳар партия кенгаши, тафтиш комиссиясининг аъзолари, ХДП аъзоси бўлган халқ депутатлари, шаҳар кенгашининг аъзолари қатнашди.

Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби Т. Алимов муҳим ҳаётий ҳужжатлар муҳокамасига бағишланган пленумни очиб, уларнинг амалий аҳамияти ҳақида сўз юритди. Шаҳардаги барча ХДП бошланғич партия ташкилотларида ушбу рисола ҳамда Конституция лойиҳаси чуқур ўрганилиб, қизғин муҳокама қилинаётганлигини таъкидлади. Шундан сўнг Конституция лойиҳаси ҳақида маъруза қилиш учун Конституцияни тайёрлаш ишчи гуруҳининг аъзоси, юридик фанлари номзоди Г. М. Тансиқбоевага сўз берди. Маърузачи лойиҳанинг яратилиш жараёни, ундаги янгилик ва ўзига хосликлар ҳақида батафсил тўхталиб, саволларга жавоб қайтарди.

Музокарада биринчи бўлиб сўз олган Олмалиқ конметаллургия заводининг бош муҳандиси В. А. Аранович лойиҳанинг 4-моддаси ҳақида тўхталиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир» жумласидан кейин **«Шунингдек, рус тили миллатлараро алоқа тилидир»** деган фикрни қўшиб қўйишни таклиф этди. Республикамизда кўп миллат вакиллари яшайди. Қонунда уларнинг манфаатлари ҳам тўлиқ ифодаланса, яхшироқ бўлур эди.

Олмалиқ химия заводи ишчиси Г. Н. Савелева халқ таълимига оид моддани янада пухта ва аниқ қилиб ёзишни қайд этиб, 40-моддадаги «Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади» жумласини **«Умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ўқув юртларида, олий мактабларда бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади»** тарзида ёзишни таклиф қилди. Чунки бу ерда олий ва ўрта махсус таълим ҳисобга олинмаган, деди.

Пленум қатнашчиларида лойиҳадаги 90-модда баҳсли фикрларга сабаб бўлди. Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар фахрийлар партия ташкилотининг котиби И. А. Якушевнинг фикрича, шу моддадаги Президентнинг сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиш ҳақидаги жумла ортиқча. Унинг ўрнига **«Президент ўз вазифасини бажариб турган даврида ўзини тавсия қилиб қўллаб-қувватлаган партия аъзолигида қолади»** деган жумлани қўшиб қўйиш ўринли бўлур эди. Ушбу модда Президентнинг партия олдидаги масъулиятини янада ошириш, мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби Т. Алимов таъкидлашича, лойиҳанинг 101-моддасидаги «Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади» деган жумлани **«Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан сайланиб, тегишли вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади»** тарзида берилгани маъқул. Чунки маҳаллий раҳбар халққа яқинроқ, кимни раҳбар қилиб сайлашни халқ яхшироқ билади. Шу боис шаҳар, район ҳокимларини халқнинг ўзи сайлаб, кейин тегишли вилоят ҳокими тасдиқласа, халқ билан ҳокимиятнинг ўзаро алоқаси янада мустаҳкамланган бўлур эди, деди. Кўпчилик бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Олмалиқ шаҳар ҳудудий партия ташкилотининг котиби Ҳ. М. Юсупов лойиҳанинг 73—74-моддалари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг **«Олий Мажлиси икки палатадан иборат бўлгани»** мақсадга мувофиқ бўлур эди, деди. 74-моддадаги «150 нафар депутатдан иборат» деган жумлани **«300 нафар депутатдан иборат бўлади»** деб ўзгартиришни таклиф этди. Бордию ушбу модда шу тарзда қоладиган бўлса, ҳар бир йирик шаҳар, райондан Олий Мажлисда вакил бўлмайди. Ҳолбуки, Олий Мажлисда жойлардан кўпроқ вакил бўлса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари янада кенгаяди, деди.

Ширкат аъзоси О. Козловнинг таъкидлашича, 59-моддага аниқлик киритилиши керак. Шу моддага **«Жамоат ташкилотлари ўз-ўзини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга»** деб қўшиб қўйилса, эътирозга ўрин қолмайди.

Пленум ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Пленумда Конституция лойиҳаси қўллаб-қувватланиб, меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини конституциявий комиссияга юборишга қарор қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг котиби Ш. И. Жалилов, Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю. Н. Белановлар қатнашди.

**Ўз мухбиримиз.**

• *ШАХСИЙ ФИКР* •

## Қизлар синфи керак

Биз сиёсатга фаол аралашишни истаймиз ва бундай имконият берилганидан беҳад миннатдормиз. Ўзбекистон ХДП Дастури мақсадларига тўла-тўкис қўшилганим ва унинг ғояларини турмушга жорий этиш учун шу партия сафига кирдим. Ушбу партиянинг дастурида республика мустақиллигининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Мен муаллима бўлганим учун бу ўринда бугунги авлод таълим-тарбияси ҳақида фикр юритмоқчиман. Ёш авлод таълим-тарбиясининг миллий заминга таянган ҳолда олиб борилиши яхши самара беради, деб ўйлайман. Шундан мамнунмизки, ушбу партиянинг дастурида илгари сурилган ғоялар ҳаётда ўзининг ифодасини топмоқда. Мактабларимизда «Одобнома»нинг махсус ўқитилиши миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида ташланган муҳим қадам бўлди.

Совет мактабида болаларнинг кўпроқ билим олишларига ўта даражада берилиб кетиб, ҳаёт илми уларга керагича ўргатилмади. Оқибатда ўқувчиларнинг тафаккури керагидан ортиқ билимларни ўзлаштириш билан банд этилди. Бу хусусан қизларнинг таълим-тарбиясига ўз таъсирини кўрсатди, яъни ўқитиш сунъий равишда мураккаблаштириб юборилгани ҳолда қизлар миллий таълим-тарбиясига бўлган эътибор сусайиб кетди. Қизлар мавжуд таълим тизимида ўзларининг турмушида асқотадиган ҳаётий нарсаларни ўрганолмадилар. Шу боис қизларнинг аксарияти ўй-рўзғор юмушларини қилишга, оила тебратишга унчалик тайёр эмаслиги сезилиб қолди.

Ўтмиш миллий мактабларимизда қизлар алоҳида ўқитилган бўлиб, уларга асосан турмушда керакли билимлар ўргатилган. Биз янги демократик жамият пойдеворини қуришга киришдик. Бу йўлдан боришда ўз миллий мактаб тажрибаларимизга таяниш, улардан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Мен шахсан махсус қизлар синфи ташкил этилиб, қизларни алоҳида ўқитилиши ҳақидаги фикрларни қўллаб-қувватлайман. Жойларда имкониятга қараб махсус қизлар синфи очилиши керак. Унда қизларни турмушга тайёрлаш, оила юмушлари, уй-рўзғор юритиш ишлари чуқурроқ ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Шоҳида КАМОЛИДДИНОВА,**
**Ўзбекистон ХДП аъзоси, Тошкент районидаги 10-мактаб муаллимаси.**

## ШАНБАЛИК УЮШТИРИЛДИ

**Зангиота районидаги САОЗ ГосНИТИ Ўртаовул ремонт механика заводи, район нон заводи, Туркистон жамоа хўжаликларининг партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан 17 октябрь куни шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар.**

Ўзбекистон ХДП Зангиота район кенгашининг ижроия бюросида бу масала кўриб чиқилиб, ушбу ташаббус маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Шанбалик ўтказиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, уни барча бошланғич партия ташкилотларида ўтказишга қарор қилинди. Район партия кенгаши шу муносабат билан меҳнаткашларга қарата қабул қилган мурожаат шанбаликнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминлади. Райондаги барча меҳнат жамоаларида кўтаринки руҳда меҳнат қилиниб, меҳнат жамоалари бир кунлик иш ҳақини Ўзбекистон ХДП Зангиота район кенгаши ҳисобига ўтказишди. Шанбаликдан тушган маблағ кам таъминланган оилалар, ногиронлар, меҳнат ва партия фахрийларига ХДП ташкилотлари томонидан моддий ёрдам тарзида берилди.

**Х. ИБРОҲИМОВ.**

## БУЛАР ИКИР-ЧИКИР ЭМАС

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги ижроия бюросида «Вилоят партия ташкилотларида партия ҳужжатларини тўлдириш ва топшириш ишларининг бориши» ҳақидаги масала кўриб чиқилди, ҳамда ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда таъкидланишича, вилоят партия ташкилотларида бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Лекин аксарият партия ташкилотларида партия билетларини тўлдириш ва топшириш ишларининг суръати айрим сабабларга кўра анча сусайиб кетди. Хусусан, Ўзбекитон ХДП Ангрен шаҳар (биринчи котиби А. Т. Қўқонов), Чиноз (биринчи котиби А. Носиров), Янгийўл (биринчи котиби К. Шукуров), Қибрай (биринчи котиби Р. Шералиев) район партия кенгашларида бу борадаги ишлар қониқарсиз олиб борилмоқда.

Шу сабабли партия ҳужжатларини тўлдириш ва топшириш сусткашликка йўл қўяётган ушбу шаҳар, район партия кенгашлари биринчи котибларининг мазкур масала юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Уларга қайд этиб ўтилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, ушбу масалани партия кенгашларининг ижроия бюроларида муҳокама қилиш, бюро аъзолари ва партия фаолларининг партия билетларини тўлдириш ва топшириш ишларини ўз вақтида тугаллашга доир топшириқларни бажариш масъулияти ва жавобгарликни кучайтириш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Олмалиқ, Янгийўл шаҳар, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Тошкент, Юқоричирчиқ район партия ташкилотларида тўлдирилган партия ҳужжатлари ХДП аъзоларига ўз вақтида топширилмаётганлиги таъкидланиб, уларга ҳам камчиликларни ўз вақтида тузатиш топширилди.

Партия ҳужжатларини тўлдириш ва топшириш ишларини фаоллаштириш, партия аъзолари билан якка тартибда иш олиб боришни кучайтириш, партия сафларини ўстириш ва мустаҳкамлаш учун барча кучларни сафарбар қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

**Тошкент районидаги 10-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси муҳокамага бағишланган йиғилишдан лавҳалар. Суратда: муҳокамага бағишланган йиғилишдан лавҳалар.**

**Суратқаш: В. ХАРИТОНОВ.**

• *Ўзингизни синаб кўринг*

## БОШҚАЛАРГА ТАЪСИР ЎТКАЗА ОЛАСИЗМИ?

Партия ходими ишининг асоси — атрофидагиларга таъсир ўтказа билиш. Аммо сизда бундай қобилият борми, одамларни ортингиздан эргаштираоласизми ёки ўзингизда бундай қобилиятни аста-секин ўстириб боришингиз керакми? Қуйидаги тест бу борада ўз имкониятингизни синаб кўришга ёрдам беради.

Қуйидаги саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг:

1. Ўзингизни актёр ёки сиёсий арбоб сифатида тасаввур этаоласизми?
2. Гайриоддий кийинадиган ва ўзини гайритабиий тутадиган кишилар сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?
3. Ўзингизнинг нозик шахсий кечинмаларингиз хусусида бошқа бир одам билан суҳбатлашаоласизми?
4. Ўзингизга нисбатан қилинган озгина ҳурматсизликни ҳам ҳис этган чоғингизда, бунга дарҳол жавоб берасизми?
5. Ўзингиз учун энг муҳим ҳисоблаган соҳада биронбир киши муваффақият қозонса, кайфиятингиз бузиладими?
6. Ўзингиздаги зўр имкониятларни атрофдагиларга намойиш этиш учун биронта қийин иш қилишни яхши кўрасизми?
7. Ўз ишингизда ажойиб натижаларга эришиш учун ҳамма нарсадан воз кечаолармидингиз?
8. Дўстларингиз сафи ортмаслигига ҳаракат қиласизми?
9. Барча ишлар ва ҳатто кўнгил очар тадбирлар ҳам қатъий белгилаб қўйилган тарзда ҳаёт кечиришни яхши кўрасизми?
10. Уйингиздаги жиҳозлар жойини алмаштириб туришни хуш кўрасизми?
11. Эски муаммоларни ечишнинг янги усулларини синаб кўришни яхши кўрасизми?
12. Жуда ҳам ўзига ишонган ва кибрланган кишилар устидан кулишни ёқтирасизми?
13. Сизнинг бошлиғингиз ёки бирон-бир анча нуфузли киши баъзи масалада ноҳақлигини исботлашни яхши кўрасизми?

**Жавоблар баҳоси**

Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб тўплаган балларингизнинг миқдорини ҳисобланг:

| Жавоб | Савол | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| Ҳа | 5 | 0 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 0 | 0 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| Йўқ | 0 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 5 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 |

**Натижалар**

**35-65** балл. Сиз бошқаларга самарали таъсир кўрсатиш, уларнинг юриш-туриш услубини ўзгартириш, ўргатиш, бошқариш, тўғри йўлга солиш учун ажойиб имкониятлар соҳибисиз. Бу хил вазиятларда сиз ўзингизни жуда яхши ҳис этасиз. Сизнингча одам ўзи билан ўзи ўралашиб қолмаслиги, одамлардан ўзини олиб қочмаслиги, четда турмаслиги ва фақат ўзини ўйламаслиги керак. У бошқалар учун бирор нарса қилиши, уларга бошчилик қилиши, улар йўл қўйган камчиликларни кўрсатиб ўтиши, ўраб турган теварак-атрофни яхшироқ билиши учун уларга йўл-йўриқ кўрсатиб туриши керак. Бундай ажойиб муносабатлар ёқмаганларни эса, аяб ўтириш керак эмас. Сизда атрофдагиларни ўзингизнинг ҳақ эканлигингизга ишонтириш хислати бор. Аммо сиз жуда ҳам тажовузкор бўлиб кетмаслик учун ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғингиз керак. Бу ҳолда сиз тезда мутаассиб ёки золим кишига айланиб қолишингиз мумкин.

**30 ва ундан кам балл.** Гарчи сиз кўп ҳолларда ҳақ бўлсангиз ҳам, бунга атрофдагиларни ишонтиришнинг уддасидан ҳамиша ҳам чиқавермайсиз. Сизнингча, сизнинг ва атрофдагиларнинг ҳаёти қатъий интизомга, соғлом ақл-идрокка ва яхши ҳулқ атворга бўйсуниши ва унинг бориши олдидан маълум бўлиши керак.

Сиз бирор нарсани ўзингизни қийнаб амалга оширишни ёқтирмайсиз. Бунда сиз кўпинча жуда ҳам одамови, эҳтиёткор бўласиз ва шу сабабли исталган мақсадга эришаолмайсиз, кўпинча эса бунинг устига одамлар сизни нотўғри ҳам тушунадилар. Афсус

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот маркази тайёрлаган.**

# «ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН»

ЯНГИЙЎЛ шаҳар маданият уйи жамоаси Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб «Қудратли тўлқин» деб номланган театрлаштирилган кечани томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Давлат арбоби, адиб, ўзбек халқининг фарзанди Шароф Рашидов ҳаётн, ижоди, босиб ўтган йўли, Ўзбекистон равнақи учун қилган беқиёс ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу томошани янгийўлликлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди. Асарда даврнинг қанчалар машаққатли, турли зиддиятларга тўла эканлиги, халқ йўлбошчисининг ҳаёти, мураккаб тақдири ўз аксини топа олган. Ҳаваскор артистлардан Нафиса Ғозиева, Шаҳло Шарипова, Матлуба Мадаминова, Инобат Қосимова, Нуриддин Комиловлар ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ижро этдилар. Асарни режиссёр Кенжавой Ўмрзоқов саҳналаштирди.

С. СИРОЖИДДИНОВ.



**● ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Тошкентда Узбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси — «Ўзксерокс» иш бошлаган эди. Бу хабар кўпчилик тошкентликларни, корхона ва ташкилотлар раҳбарларини қизиқтириб қолди. Улар корхонага ташриф буюришиб, турли хилдаги иш қоғозлари ва ҳужжатлардан нусхалар кўчиришга буюртмалар бера бошлашди. СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг ташқи кўриниши; «Мўъжиза» деса бўлгудек имкониятлар билан танишув.**

Ҳ. СОЛИҲОВ
олган суратлар.


• ЭЪЛОН •

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ҲАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертда севимли хонандалар ва сўз усталари:
Ортиқ ОТАЖОНОВ
Олмахон ҲАЙИТОВА
Аҳмаджон ШУКУРОВ
Ғуломжон ЁҚУБОВ
Ғиёс БОЙТОЕВ
Охунжон МАДАЛИЕВ
Маҳмуджон АЗИМОВ
Насиба АБДУЛЛАЕВА
Муҳриддин ҲОЛИҚОВ
Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВлар
ва бошқалар қатнашадилар.

Ҳайрия концерти ойнаи жаҳон орқали ёзиб олинади ва намойиш этилади.

Ҳайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз. Уларнинг коллектив бўлиб келишлари учун таклифномалар берилади.

Коллектив буюртмалар биринчи навбатда қабул қилинади.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.


## РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

**Тошкент халқаро аэропортига Американинг юк самолёти келиб қўнди. Унга қимматбаҳо дори-дармонлар ва бу дори-дармонлар сақланадиган махсус музлатгич ускунаси ортилган эди.**

Бу юкни жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги тўплаб, мамлакатимизга юборган. Бу Қўшма Штатлар ҳукумати ҳамда халқининг мустақил Ўзбекистонга, жумладан ўз юртининг истиқболи бўлган болаларга совғасидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон даволаш муассасалари учун мўлжалланган юкнинг дастлабки туркуми келтирилди. Иккинчиси эса бир неча кундан сўнг олиб келиниши кутилмоқда. Бу юкларнинг умумий қиймати 500 минг доллардир.

Юкни топшириш маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генрий Лии Кларк, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қизил Ярим Ой жамияти, бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА).

# ХОС ЛАВҲАЛАРИ

## ТАНИШУВ

Бу ҳолни кўп кузатганман. Одатда узоқ манзилга сафар чоғида бегона одамлар ҳам тезда бир-бирлари билан танишиб, суҳбатдош бўлиб кетадилар. Чирчиқдан Бекобод шаҳрига бораётган автобусда ҳам худди шундай бўлди.

— Қаердансиз, меҳмон? — сўради анчадан буён деҳқончилик мавзуида суҳбатлашиб келаётган отахонлардан бири.

У киши билан саломлашиб, Тошкентдан эканлигимни айтдим.

— Бекободга қандай юмушлар билан? — сўради унинг ҳамроҳи.

Сафарим боисини тушунтириб бердим. Иш жойимни эшитиши билан бир йигитча ялт этб менга қаради. Кейин ўрта бўйли, хушрўйгина, тўладан келган аёлнинг қулоғига бир нималар деди. Аёл ҳам мен томонга бурилди.

— Боядан бери ўғлим, сизни кимгадир ўхшатаётган, кўзимга иссиқ кўриняптилар, деб қаерда учратганини эслолмаётган эди, деди ҳалиги аёл,— Ёзда Бекобод боғидаги байрамга келганмидингиз?

— Келувдим, болалар байрамига.

Шунчадан бери кўп бора тикилиб, ҳеч оғиз очмаган йигитча тилга кирди.

— Бўлди, мен сизни боғда кўрганман. Ўша байрам ҳақида газетангизда ҳам ёзилган.

Шундай бўлган, дея унинг гапини тасдиқладим. Биз танишиб олдик. Исмини Собит деди. Аяси билан катта бувисини Тошкент яқинидаги шифохонадан уйга олиб боришаётган экан. Шаҳарга етиб боргунга қадар суҳбатимиз қизиди. Автобус Бекободга етиб келганида соат 18 лардан ошган эди. Собит қўярда-қўймай: «Кеч бўлиб қолди, ҳозир қаерга ҳам борасиз. Бизникида қоласиз» деб туриб олди.

— Албатта қоласиз. Ҳозир дадаси ҳам ишдан қайтган бўладилар. Бир кеча меҳмон бўлиб кетасиз, — — дея ўғлини қўллаб қувватлади аёл.

Мен минатдорчилик билдириб, меҳмонхонада қолишимни айтдим. Улар кўнишмади: «Шу баҳонада Хос қишлоғини айланиб кетасиз, жуда гўзал жой» дея илтимосга тушишди.

Хосни эшитишим билан дилим ёришиб кетди. Илгари бу қишлоққа хизмат юзасидан келган эдим. Лекин ўшанда Хоснинг шундоққина Бекобод шаҳри билан ёндош жойлашганини билмасдим. Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтиб яна бу қишлоқда бўлиш ҳаёлимга келмаган эди. Сизлар Хосданмисизлар?, сўрадим Собитдан.

— Хосданмиз, — жавоб беришди улар.

— Унда Рустам Розиқовни танирсизлар, мен уларникида бўлганман.

— Энди Собитнинг ҳам, аясининг ҳам чеҳрасига табассум ёйилди.

— Бизга Рустам Розиқов қариндош бўлади-ку, — дейишди улар.

Бўлмаса, менга Рустамларникини кўрсатиб қўясизлар, у ерда қоламан, дедим мен. Енгил машина тўхтатиб ўтирдик. Йўл-йўлакай Собит бир неча йилдан бери Рустам боғ бригадири бўлиб ишлаётганлиги, янги уйга кўчиб ўтганлиги ҳақида гапириб кетди. Биз Рустам билан танишган вақтимизда, у Тошкент Давлат педагогика институтида ўқирди. Кейинчалик халқ хўжалиги институти (ҳозирги дорилфунун)ни сиртдан тугатди. Орадан анча йиллар ўтди.

— Мени танирмикин? — сўрадим Собитдан.

— Танийдилар, одамлар 30 йилдан кейин ҳам учрашиб, бир-бирларини танишяпти-ку...

Машина кўчага сув сепаётган қизларга яқинлашиб тўхтади.

— Мана шу эшик Рустам Розиқовларники, — деди Собит. — Ҳозир чақираман.

Машинадан тушдик. Биз Рустамлар эшиги томон юрган эдик, болалар: Улар оилалари билан шу яқиндаги хонадонда тўйдалар,— дейишди.

Қизалоқлардан бири чақиргани югуриб кетди. Орадан ҳечқанча ўтмай бизни Рустамнинг умр йўлдоши Қундузхон кутиб олди. Кейин ўша мен бундан ўн йил аввал кўрган Рустам етиб келди. Фақат у энди талабалик йилларидаги каби хипча, ҳорғин Рустам эмас, ўша достонлардаги алп қоматли, тўладан келган, нигоҳи тийрак Рустам эди. Биз кўришиб ҳовлига кирдик. Қундузхон дастурхон тузади.

## СЎЗЛАРИДА ОҚИБАТ СЕЗДИМ

Рустамларникида бир соатлар чамаси суҳбатлашдик. Ўтган-кетганларни эсладик. Гап бугунги ҳаётга келиб тақалди.

— Икки диплом билан боғ бригадири бўлиб юриптими, деб ўйламанг, — деди у. — Бекобод шаҳридаги ташкилотларда мутахассислигим бўйича иқтисодчи бўлиб ҳам ишладим. Лекин қишлоқда ўсганим учунми дала тортаверади. «Хос» колхози раиси Маматқул акага мурожаат этдим. «Мева боғ парваришлайсан» дедилар. Рози бўлдим. Ҳозир 30 гектар боғга бригадирман. Шундан етти гектари ҳосилга кирган.

Рустам бошлиқ бригада бу йил 22 тонна ўрнига 30 тонна маҳсулот берибди. Умр йўлдоши Қундузхон, уста соҳибкорлар — Ҳасан Сандмирзаев, Ҳабибулла Кишваров, Тоир Рустамовдек меҳнат қилиб ҳоримай диган азаматлар ёнида бўлишди, боғни боғ қилиш учун фидойилик кўрсатишди.

Бригадир айтиб бераётган илғорларни ён дафтаримга ёзиб олар эканман, Қундузхон Рустамга қараб:

— Болаларингизни унутманг-да дадаси, ахир улар ҳам катталардек ишлашди. Газетда чиқиб қолгудек бўлишса, янги йилда бундан ҳам кўп ёрдам беришади, — деди, — кейин ҳовлида уялинқираб турган ўн икки ёшли қизчаси Наргизадан:

— Тўғримми? — дея сўради.

Наргиза «Тўғри» дедию, югуриб уйга кириб кетди. Мен унинг укалари — кўмакдошлар Феруза, Шерзодларнинг исмларини ҳам ёзиб олдим. Рустам меҳнати туфайли оёққа туриб олгани, янги уй қургани, икки сигир ва қўйлари борлиги ҳақида ҳам сўзлаб, шундай мушкул кунларда тўкис яшаётганлигидан мамнунлигини изҳор этди. Бу мен учун ҳам қувонарли эди. Чунки Рустам Розиқов талабалик йилларида худди шундай кунларни орзу қилганлигининг шоҳиди бўлганман.

— Ака, бир узрим бор, — деди Рустам, — суҳбат давомида, одатда уйга келган меҳмонни бошқа бир хонадонга юринг дейиш ноқулайроқ. Лекин биздан икки уй нарида амакимнинг ўғли суннат тўйи қиляпти. Сиз келишингиз олдидан келинингиз билан ўша ёқда эдик. Энди бирга чиқамиз. Улар ҳам хурсанд бўлишади. Рустам эндигина сўзини тугатиб турган ҳам эдики, ўрта бўйли, тўладан келган очиқ чеҳрали норғил йигит биз томонга табассум билан яқинлашди.

— Эшитдим, — меҳмон келибдилар, — деди у. — Чиқиб қоларсизлар деб кутдим, қарасам дарагинглар йўқ. Сабрим чидамай таклиф қилгани келяпман.

Рустам у йигитни таништирди. Тўй қилаётган йигитнинг акаси Аҳмадали экан. Биз кўришиб, бир пиёла чойдан сўнг тўйхонага чиқдик. Жуда кенг майдонга катта кроватлар (сўрилар) ёнма-ён қўйилган. Уларнинг ҳар бирига поёндозлар ёзилиб, дастурхон тузалган.

— Бугун маслаҳат ошига йиғиляпмиз,— деди Аҳмадали. — Эрталаб наҳор оши, кечқурун эса базм. Қариндош оши кеча ўтган.

Биз тўйхонада хонадон соҳибаси, Аҳмадалининг онаси Турсунхон ая билан танишдик. Кейин унинг Акбарали, Усмонали, Умарали, қизлари Тошбуви, Гулбаҳор, Салима ва келинлар бирин-кетин келиб кўришиб, эски қадрдонлардек сўрашишди. Ҳарбирининг чеҳрасида самимият, чин инсонийлик туйғулари шундоққина сезилиб турарди.

Маслаҳат ошига ҳам бир базмнинг одами йиғилди. Ошдан сўнг меҳмонлар тарқагач, сўзлари мулойим, чеҳрасига нуроний оналарга хос файз қўнган Турсунхон ая билан суҳбатлашиб ўтирдик. У ҳамма фарзандларидан, келинлари, набираларидан миннатдор.

— Қийинчилик кўриб улғайтирган эдим, ўргилай,— дейди у. — Эндиликда роҳатини кўряпман. Болаларим бир-бири билан аҳил, иноқ. Худоға шукур, набиралар ҳам этак-этак.

Ая шундай ёруғ кунларга етолмай, раҳматлик бўлиб кетган умр йўлдоши Сафарали акани эслаб, кўз ёш қилди. Дарҳол ўғиллари, қизлари ҳазил-ҳузул қилиб аяни юпатишди. Мен ҳам унга тасалли бериб, мавзуни бошқа томонга бурдим. Илгари ҳам Хосда бўлганлигим, ажойиб аёл, қишлоқнинг биринчи муаллимларидан бири, фаол жамоатчи, қишлоқ кенгашининг раиси бўлган, ҳозир эса пенсия ёшини сураётган Бахмал ая Жўраева билан учрашиб, бир вақтлари у ҳақда газетага ёзганлигимни айтдим.

— Вой айланай, — деди ая чеҳраси яна ҳам ёришиб, — Баҳмал Жўраева дейсизми, муаллима Баҳмал опам-да. Қўшнимиз-ку, ҳалигина шу ерда эдилар. Бутун маҳалланинг кўрки-ку, бу аёл. Суҳбатимизни эшитиб ўтирган Рустам Баҳмал аяни чақиришга тараддудланди.

## ЭЛ СЕВГАН БАХМАЛ АЯ

Баҳмал аяни Хосда каттаю кичик танийди. Нечанеча авлодга билим, тарбия берган бу аёл. Уруш йиллари ўқитувчиман, деб ўтирмай, дарсдан бўш вақтларида далада ҳамма қатори меҳнат қилаверди. Кексалар билан суҳбатлашиб қолсангиз, аянинг от етаклаб, ер юмшатганини, сувчилик қилганини, қурт боқиб қути-қути пилла топширганини мароқ билан ҳикоя қилиб беришади.

Айни пайтда Баҳмал Жўраева зиёли сифатида ўз устида мунтазам ишлашдан толиқмасди. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар йиғилишларида, тўй-ҳашамларда унинг фаоллиги доимо сезилиб турарди. Ўткир зеҳнли, ажойиб ташкилотчи, меҳнатсевар, тўғрисўз ва дадил Баҳмал Жўраева ана шу ҳислатлари билан эл орасида обрў топиб, бир неча йиллар давомида қишлоқ кенгашига раислик қилди.

Бу лавозим кишиларига ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳар бир оиланинг тинчлигидан бошлаб, қишлоқдаги барча юмушларга даҳлдор бўлишган. Айниқса сўнгги йилларда аҳолидан сут йиғишдек мушкул вазифалар ҳам улар зиммасига юкланди. Баҳмал ая ана шу бурчини ҳам йилма-йил уддалаб келди. Бекобод районидагина эмас, вилоятда Баҳмал ая номи тез-тез тилга олинарди. Меҳнатлари туфайли муносиб мукофотларга эришди. Оила бекаси сифатида фарзандларини вояга етказди. Кейин уни иззат-икром билан пенсияга кузатишди. Ҳозир умр йўлдоши Турдиали ака билан икки фарзанднинг роҳатини кўриб яшашмоқда. Ўринбек ва Гавҳаралилар жамиятдан муносиб ўринларини топиб, элимизга сидқидиллик кўрсатиб хизмат қилмоқдалар.

Ая тўйхонага югурганича чиқди, Даврамиз яна бир фаришталн, олийжаноб, баобрў инсонга кенгайди, Орадан шунча йиллар ўтишига қарамай Баҳмал ая ҳамон ўша-ўша тетик, фикрлари теран, босиқ ва оқила. Уруш йиллари ва ундан кейинги йилларда не-не машаққатларни бошидан кечирганига қарамай, ўзини бардошли тутган, иродаси ҳеч қачон букилмаган бу аёл ҳали ҳам маҳалла-кўйда катта ҳурматга сазовор.

Биз ая билан ўтган-кетганларни эслаб гурунглашдик. У муаллима бўлган эмасми, ёшлар тарбияси ҳақида куюниб гапирди. Ҳозир кийим-кечакка, бойликка ружу қўяётган ёшлар кўпайиб бораётганлигидан, улар орасидан айримлари эгри йўлга ҳам кириб кетаётганликларидан афсусланди. «Тарбиявий ишларимиз бўшашиб кетгани сабаб бўлса керак», дея ая ўрни келганда қаттиққўллик ҳам зарурлигини таъкидлаб қўйди. Тўғри тарбия берилган оилаларда болалар иноқ, меҳнатсевар бўлиб ўсаётганликларини гапириб, Турсунхон ая оиласини мисолга келтирди. Нуроний онахонлар гаплари гапларига қовушиб ўтиришди. Турсунхон ая эса Баҳмал опанинг илгари тўйларда бош-қош бўлганлигини ҳам таъкидлаб, ундан илтимос қилди.

— ...Эгачи, эртага кечқурун кечани икки оғиз илиқ сўзингиз билан ўзингиз очиб берасиз, — шунда бизнинг ўтмишимизни ҳам бир эслаб қўйинг.

— Бажонидил, — ўргилай, худо хоҳласа сизга алоҳида шеър ҳам бағишлайман, — деди Баҳмал ая.

Аялар чеҳраларида табассум ёлқинланиб, тўйхона яна ҳам ёришиб кетгандек туюларди менга. Ўтирганларнинг оналарга меҳрлари янада товланди. Шулар қатори менинг ҳам қалбимда заҳматкаш, бугунги мураккаб шароитда ҳам бирбирларига ҳурмат, эътиборни йўқотмаган оналарга нисбатан ҳурмат туйғуси жўшарди.

Алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтириб, кейин тарқалдик. Бу пайтда Акбарали, Усмонали, Умаралининг дўстлари катта ошнинг сабзисини тўғраб бўлишган эди. Улар сўриларга дастурхон тузашга киришишди...

Хосда мусаффо, сокин тонг ёришди. Тўйхона дарвозасидан кираверишда ҳам дастурхон тузалиб, ҳассакашлар жойларни эгалладилар. Икки ўсмир ошга келаётганларнинг қўлларига пешма-пеш сув қуйиб, сочиқ тутади. Улар қўлларини ювиб бўлгач, болаларни дуо қиладилар. Тўйга келаётганлар орасида кексалар кўп. Серсавлат, файзли, тетик қариялар. Юрганларида кўчалар тўлгандек бўлиб кетади. Бу қувончли албатта, Хосда турмуш яхшилигидан далолат. Ошга келаётганлар самимий мулозаматни, илиқликни ҳис этадилар, ҳазил-мутойиба билан ҳовлига ташриф буюрадилар.

Ҳар жойнинг ўз таомили бор. Меҳмонларга аввал суюқ овқат, кейин ош тортилди. Сўнгра умумий дуодан кейин келганлар эҳтиром билан кузатилди. Улар қатори хонадон соҳиблари билан хайрлашдим. Юксак инсонийлик хислатларига бой бу қишлоқ кишиларининг меҳр-оқибатидан беҳад қувончда эдим. Турсунхон, Баҳмал аялар, Рустам, Аҳмадали, умуман тўй эгалари кузатишар экан, кечқурунги базмга қололмаганлигимдан афсусланишди.

— Бошқа сафар ҳам албатта келинг, — деди Турсунхон ая, — хосликларда бир одат бор, меҳмон келган куни хонадонида тўй бўлиб кетади.

Аянинг бу сўзлари самимий эканлигига шубҳам йўқ. Хос чиндан ҳам меҳмондўст қишлоқ.

## РАИСНИНГ ЎЗИ БОШ-ҚОШ

Бир неча йиллар давомида «Коммунизм» номи билан аталиб келинган жамоа хўжалигига шу йили «Хос» номи берилди. Унга эл орасида меҳнатсеварлилиги, ташкилотчилиги ва талабчанлиги билан танилган Маматқул Тошматов раис қилиб сайланди. Хўжалик унчалик катта эмас, у чеккасидан бу чеккасигача бор йўғи 3 километрлик ихчамгина қишлоқни ташкил этади. Қолаверса, хосликларни ягона оила фарзандлари ҳам дейиш мумкин. Бу ерда яқин-яқингача ташқарига қиз бериш ёки бошқа шаҳар ё қишлоқдан уйланиш ҳам ўзгачароқ туюларди. Эндиликда бу урф бироз ўзгариб, ёшлар кўнглига қараш одати сингиб бормоқда. Хуллас, хосликлар бир авлод фарзандлари.

Ана шундай уюшқоқ оила аъзолари 1204 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланадилар. Шундан 669 гектари пахта, қолган майдонларда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади. Хосда йилдан-йилга мева-боғлар кенгайиб бормоқда. Узумзорлар барпо этилмоқда. Чорвачилик ёнига паррандачиликни ҳам ривожлантириш қўшилди

Мустақиллик дала меҳнаткашининг хонадонига файз, қут-барака киритди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат юқори нархда харид қилиб олиши, колхозчилар томорқасида етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларидан ортиқчасини бозорда сотишлари орқали деҳқонлар оиласида даромад кўпайди. Шундан бўлса керак, хўжаликнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгариб бормоқда. Бош режа асосида чиройли уйлар қад кўтарди. Ёшлар талаблари асосида йирик спорт иншоотн — ўйингоҳ барпо этилди. Янги мактаб, боғча қуриш учун лойиҳа ҳозирлаб қўйилди.

Ҳозирги мушкул шароитларга қарамай, хосликлар турмуш тарзи ночор эмас. Тўйлар кўп. Улар ҳамиша кекса отахонларнинг маслаҳати, қишлоқ кенгаши қошидаги тўй комиссиясининг бошчилигида ўтмоқда.

— Яширмаймиз, — дейди раис Маматқул ака, — шу пайтгача қишлоғимизда тўйлар чўзилиб кетар, бережа эди. Энди бунга чек қўйдик. Илгаригидек 3 кунда эмас, бир кунда тўй ўтказишни одат қиляпмиз. Оқсоқоллар ҳам бунга розилар. Ўзимиз ана шу талабимизда турамиз.

Қишлоқ аҳли бу янгича одатга ҳам риоя этиши, шубҳасиз. Негаки, давр тақозоси ҳам, турмуш маданияти ҳам шуни талаб этади. Хосликлар эса маданий турмушга йилма-йил интилмоқдалар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

# «МУШТУМ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

**Муштум бобо келгуси йил 70 ёшга тўлади. Тезроқ обуна бўлсангиз, Тўйбобонинг тўйидан, олтин сандиғидаги бисотидан, аттор қутисида ги ҳангомалардан бохабар бўласиз. Нархини сўраяпсизми? Ўзбекистондаги барча газит-журналлардан арзон. Бир йилга — 120 сўм. 120 сўмга ҳозир нима беради? Егулик олсангиз чап ичагингизга ҳам юқмайди. Бу пулга киймлик бермайди. Яхшиси, «Муштум»га обуна бўлақолинг. Бир йил маза қилиб кулиб юрасиз.**

Тезроқ обуна бўлинг.
«Муштум» индекси — 75322.

**«Муштум» саҳифаларида.**

## ЧИПТА

Тошкентнинг Жанубий вокзалида бир дарвешнамо одам касса олдида саволжавоб қиларди.

— Андижонга битта чипта беринг.

— Йўқ.

— Наманган поездига-чи?

— Йўқ.

— Жалолободга бордир?

— Йўқ.

— Э, қаёққа бор ўзи? — жаҳли чиқди йўловчининг.

— Урганчга бор, — жилмайди кассир.

— Бераверинг, олганим бўлсин! Икки соат навбат кутиб қуруқ кетаманми?!

## ҒАП СОВУНДА

Хурсанжон эшикдан кириши биланоқ хотини кўрсаткич бармоғини оғзига тиккалаб «Тиш-ш» деди.

— Нима гап тинчликми? — шивирлади Хурсанжон.

— Дугонам келган, ваннада ювиняпти.

Хурсанжон апил-тапил ечинган бўлди-ю, хотини ошхонага кириши билан ваннага мўралай бошлади. Шу пайт хотини чиқиб, ўшқирди:

— Ҳмм, киринг, орқаларини ишқаб қўйинг...

Хурсанжон шошиб қолди.

— Э, хотин, мен дугонангизга эмас... Совунни ўзи олиб келдими ёки бизнинг совунни ишлатяптими — шунга қараяпман.

Абдуғани АБДУҒАФУРОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

## КИМНИНГ АСАРИ КЎП ЧИҚҚАН

● 1991 ЙИЛДА энг кўп ўқилган муаллифлар, демак асарлари энг кўп нашр этилган ёзувчилар рўйхати Агата Кристидан бошланиши маълум. Унинг асарлари 16 миллион нусхада чоп этилган. Иккинчи ўринни эгаллаган Александр Дюманнинг қаламига мансуб бадний китобларнинг чиқарилган миқдори 14 миллион нусхага етган. Улардан кейинги ўринларда эса Анн ва Серж Голон (12 миллион нусха), Д-х. Чайз (11 миллион нусха), Жорж Сименон (10 миллион нусха) туради. Шуниси қизиқки, бу муаллифларнинг асарлари саргузашт-детектив жанрга мансубдир.


# ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

КОЛХОЗ, СОВХОЗ, БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оҳангарон қурилиш материаллари саноати бирлашмаси ўзи ишлаб чиқарган сўри устунини сотиш учун шартнома тузиши мумкин. Узум устунининг узунлиги 2,7 метр, темирбетондан тайёрланган. Баҳоси бозор нархидан арзон. Ортиб жўнатиш автомашинада ёки темир йўл вагони орқали бажарилади.

Манзилгоҳ: 702243. Тошкент вилояти. Оҳангарон райони, Эйвалек қўрғони. Телефонлар: (код —37164), 5-29-40, 5-30-93, 5-59-84.

ДИҚҚАТ!

Инглиз ва араб тилларида ёзаоладиган, шунингдек ўзбек тилини биладиган тажрибали репетитор керак.

Мурожаат учун телефонлар: 48-16-24, 48-15-62 (ишхона) 47-43-52 (уйники)


Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31730 нусха босилади.